

## **Хозирги замон тилшунослигига “Термин” ва унга турлича ёндашувлар**

**Гафурова Нозима, ФДУ ўқитувчиси**

**[ngafurova957@gmail.com](mailto:ngafurova957@gmail.com)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада “Термин” сўзининг ўзига алоҳида урғу берилган бўлиб, унга турли даврлардаги тилшунос олимларнинг ёндашувлари кўриб чиқилган. Берилган маълумотлар мисоллар билан изоҳланган.

**Калит сўзлар.** Термин, терминология, термино элемент, термино система, “атама”, “истилоҳ”, “номенклатура”.

Техника ва илм фаннинг жадал юксалиши янгидан янги тадқиқотларнинг ихтиро қилиниши Жаҳон тилшунослигига маҳсус терминологик маъно касб этадиган тилнинг ўзига хос бирлиги терминнинг чуқур ўрганилишига шароит яратиб берди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Таянч сўз ва ибораларни, технологияга оид сўзларни ва муайян бир касбга тегишли бўлган сўзларни ва ёки бошқа бир соҳага оид бўлган сўзларни ифодалашда ёрдам берадиган терминлар тилшуносликнинг терминология бўлимида ўрганилар экан унга оид бўлган бир неча таърифларни кўздан кечирар эканмиз ҳозирги вақтга қадар унга берилган таъриф бўйича қатор мунозаралар мавжудлигини ва тилшунос олимларнинг аниқ бир тўхтамга кела олишмаганлигини кузатишимииз мумкин.

Кўп вақтлардан буён кўлланилиб келанилаётган “термин” ва “терминология” масалалари борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган ва турли таърифлар берилган. Терминалогия- бир неча тилларда маълум соҳага оид лексик бирликларни, яъни терминларни тўплаш, таърифлаш, шакллантириш ҳамда тақдим этишини ўрганадиган фан сифатидатида талқин қилиш мумкин. Тилшуносик тарихига назар соладиган бўлсак, “термин” сўзига бир нечта таниқли олимларнинг фикрларини

кўришимиз мумкин. Бархударовнинг фикрига кўра термин маҳсус бир соҳага оид сўз ёки сўз бирикмасидир.

Термин сўзи турли хил маҳсус қарашларга кўра “термино элемент”, “термино система”, ва “терминология” дан иборатдир.

Х. Фелбернинг фикр билдиришича эса “терминология” сўзи уч хил тушунчага эга :

1. Терминология соҳалар аро фан бўлиб у маҳсус тушунчани ифодаловчи термин, белги кабиларни ўрганади.
2. Терминология – маҳсус соҳага оид тушунчалар тизимини ифодаловчи терминлар мажмуйидир.
3. Терминология- терминлар билан ифодаланган маҳсус соҳа тушунчаларининг тарғиб этилиши.

Иzlaniшларимиз давомида чет эл тилшунослаrinинг фикрига назар ташлайдиган бўлсак қуидаги фикрлар эътиборлизни тортди, масалан Сагернинг фикрича, терминология кўп одамлар учун кўп нарсани англатади.(Sager 1994 ;7) Терминология сўзи ҳм катта ҳам кичик харф билан ифодаланади.Кичик харф билан ёзилса хар кандай фаннинг бир сатхига йуналтирилган бўлади бўлади,агарда катта харф билан ифодаланса тилшунослик сатхини ифодалаш учун йўналтирилган бўлади. Инглиз тилшунослаrinиг Терминология хақидаги фикрларига қулоқ тутадиган бўлсак тариҳий даврдан яъни 1900 йиллардан бошалаб Терминология ва тилшунослик бир бирига карама-қарши қўйилиб Терминология лексиколигиядан ажратилган бўлиб мустақил сўз туркими сифатида эътироф этилган, ҳамда сўзга хос бўлган хусусиятини йуқотган, яъни терминга сўз сифатида эмас балки Терминологиянинг бирлиги термин сифатида қаралишининг тарафдори бўлишган. Яна бир тилшунос олим Савгенинг фикрича (2000a ;37) Терминология фан сифатида аниқ йуналига ва мақсадга эга бўлиб ўз соҳасининг мутахассилари ва олимларнинг эҳтиёжларини ифолдалаш учун мавжуд бўлган концептларни ўзида бирлаштириди ва ҳосил бўлган терминлар,фан соҳасидаги мулоқотни

осонглаштиришга ёрдам беради ва ҳосил бўлган терминлар фанга киритилади деган фикрни олға суради. Ушбу олимнинг қарашларига қўшилган ҳолда терминология лексикологиядан ажратилган ҳолда ўрганилиши керак деган фикрдамиз. Терминология нафақат Тилшуносликнинг балки Фалсафа Социалогия ва Когнитив тилшуносликнинг бўлими сифатида ҳам қаралиши кераклиги таъкидлаб ўтилган.(Terminology and specialized language Pamela Faber ,Clara Ines Lopez Radrigues )

Ҳозирги вақтда замонавий ўзбек тилшунослигига термин сўзи билан бир қаторда «атама», «истилоҳ», «номенклатура» сўzlари ҳам кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида: .... «термин»сўзи билан биргаликда айни маънода «атама», «истилоҳ» сўzlари ҳам қўлланилмоқда. Бизнинг фикримизча термин сўзи билан бир қаторда қўлланилиб келаётган қуйидаги сўzlар “термин” сўзининг тўлиқ маъносини ўзида тўлиқ акс эттира олмайди. «Атама» сўзи кенг маънода қўлланилиб, географик обьектлар, атоқли номларга нисбатан қўлланилса, «истилоҳ» сўзини эса асосан тарихий мавзулардаги матнлар тарихи, Шарқ фалсафасида bemalol қўллаш мумкин. С.Усмоновнинг таъкидлашича : « .... атама сўзининг маъноси термин сўзининг маъносига нисбатанкенбўлиб, у барча нарсаларнинг номи сифатида тушунилади, термин эса муайян бир тор соҳада қўлланувчи расмийлашган сўздир. Шумаънода, термин тушунчasi «атама» тушунчасининг ичига кирувчи илмий-луғавийбирликдир»деятаъкидлайди. О.Ахмедов олиб борган тадқиқотида «термин», «атама», «истилоҳ», «номенклатура» тушунчаларини фарқлайди, «Терминлар аслида лексик-семантик жиҳатдан умумадабий қолипга эга бўлиб, улар умумхалқ тилига муайян терминологик тизим орқали ўтади.

А.В.Суперанская эса қуйидагича таърифлайди: «Термин – бу муайян касбий профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда шароитларда ишлатиладиган маҳсус сўздир. Термин – бу профессионал билимларнинг муайян соҳаси тушунчалар тизимиға кирувчи тушунча бўлиб, у сўз билан

ифодаланади. Термин - бу маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементидир. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади. Турли майдонларнинг бир хил айтиладиган терминлари – омонимлардир. Ўзининг тўғри тушунилиши учун термин маҳсус дефиниция (аниқ илмий таъриф)ни талаб қиласди» стеъмолдаги сўзлар бир-бирини тўлдирадиган лексик бирликлардир», дея таъкидлайди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг, йиллар давомида истеъмолда бўлган ва халқ онгига ўрнашиб кетган терминлардан ташқари айrim ўзлашма терминлар мазмун жиҳатдан чуқур ўрганилмасдан ҳам дабдурустдан янги терминлар сифтида ўзлаштирилиб, эскилари билан алмаштирилди. «Термин», «терминология» сўзи ўрнига «атама», «атамашунослик» лексемалари тадбиқ этилиб, бу тушунчалар специфик характерда эканлиги эътиборга олинмади. «Атама» кенг қамровли тушунча бўлиб, унда терминологияга умуман тегишли бўлмаган топонимия, антропономия, ойконимия, яъни ономастикага алоқадор лексик бирликлар ҳам тушунилади. Профессор У.Турсунов ўзбек тили терминология масаларига аниқлик киритиб: бир тушунчанинг турлича атама сифатида ёзила бошлаши; аниқ ва ихчам терминлар ўрнига узундан узоқ изоҳларнинг берилиши; термин яратишда она тили имкониятларидан кам фойдаланиш; ўзбек атамашунослигини бойитишдаги манбалардан бири ташки омилга турлича ёндашиш услублари, фактлари мавжудлиги кўрсатилган .

«Термин» лотинча «terminus» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «охири», «чек», «чегара», «тугаш» деган маъноларни билдиради» Айrim манбаларда тилнинг маълум бир соҳасига тегишли ва барча тиллар учун умумий бўлган, бир хил мазмун ва маъно касб этувчи умуматама “Term” билан ифодаланганинг гувоҳи бўламиз. Бу атама конкрет тилларга боғлик «термин », «атама», каби атамаларнинг ўринини боса олади (киёсланг: товуш, звук, sound ва х.к.лар ўрнига «фонема», ёки сўз, слово, word ва х.к.лар.урнига «лексема» ишлатилади), лекин бизнингча, грекча сўз « terminus » ўзининг тўлиқ аксини топмаган, аксинча униг бир қисмигина

сақланиб қолган ва эмик бирлик сифатида унга «-ема» қўшимчаси қўшилган, ваҳоланки «термема» атамасида эса мазкур грек сўзи ўзининг тўлиқ аксини сақлай олган бўларди, биз ўз тадқиқотимизда терминология бирлиги бўлган терминни ‘термема’ деб юритишни максадга мувофик деб ҳисоблаймиз.

С. В. Гринийев термин атамасини қўйидагича характерлайди- маҳсус тилнинг номинатив маҳсус лексик бирлиги бўлиб маҳсус тушунчага оид деб қабул қилинади. Тилшунос олим П.Нишоновнинг фикрича “Термин – тузилишига кўра сўз ёки сўз бирикмаси бўлиб, семантикаси жиҳатидан маҳсус соҳа доираси билан чегараланган ва шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлиқдир” [3]. Термин маълум бир соҳага оид бўлган тушунчани чукур англаб етиш учун хизмат қиласиган сўз бўлиб у аниқ чегарага эга эканлигин и кўришимиз мумкин.

Терминнинг тилшунослик обьекти сифатида белгиланиши ва унинг тизимли равишда ўрганилиши “термин” тушунчаси изоҳ (дефиниция)ларининг шаклланишига, терминнинг тавсифланишига, у билан боғлиқ муаммоларнинг ечимларини ишлаб чиқилиш пиравардида терминшунослик фанининг юзага келишига туртки бўлди. Термин лексикGRAMMATIK тушунчалар тизимидан қатъий ўрин эгаллади ва тил лексик-семантик тизимининг «тўлақонли аъзосига» айланди деб таъкидлаган тилшунос олима Абдуллаева Ш нинг фикрига қўшиламиз.

Терминга берилган таърифлардан яна бири изланишлар давомида диққатимизни ўзига жалб қилди, яъни В. Н. Комиссаров терминнинг қўйидаги жиҳатига ўз эътиборини қаратади “термин сўзога назар солар эканмиз уни сўз деб эмас, балки бир пайтни ўзида нутқда пайдо бўладиган ва ўз маъносини йўқотадиган ҳусусиятга эга бўлган илмий тушунча деб атасак бўлади” Термин нутқда пайдо бўлар экан нафақат ўз маъносини йўқотадиган ҳусусиятга эга бўлади сўздан фарқли ўлароқ унда экспрессивлик ҳам мавжуд булмайди.

Термин илмий –маърифий матнларда ҳам асосий ролни ўйнайди. Илмий-маърифий матнларнинг ҳар бирига назар солар эканмиз улар ўзининг

менталитетидан ташкил топган бўлади. Термин ҳар қандай илмий матннинг асоси ҳисобланади ва шу билан бир қаторда унинг аниқ таърифига эгадир. А.Ритар термин сўзига аниқлик киритар экан унинг қуидаги гаплари бизнинг эътиборимизни тортади, унинг таърифича термин бир маъноли сўз бўлиб ифода қилиш ҳусусиятидан маҳрумдир. Терминга берилган таърифлардан таърифлардан яна бири изланишлар давомида дикқатимизни ўзига жалб қилди, яъни В.Н. Комиссаров терминнинг қуидаги жихатига ўз эътиборини қаратади “термин сўзига назар солар эканмиз уни сўз деб емас, балки бир пайтни ўзида нутқда пайдо буладиган ва ўз маъносини йўқотадиган ҳусусиятга эга булган илмий тушунча деб атасак бўлади” деган фикри бизни ўзига жалб қилди десак муболаға бўлмаган бўлади.

Термин илмий –маърифий матнларда ҳам асосий ролни ўйнайди. Илмий-маърифий матнларнинг ҳар бирига назар солар эканмиз улар ўзининг менталитетидан ташкил топган бўлади. Термин ҳар қандай илмий матннинг асоси ҳисобланади ва шу билан бир қаторда унинг аниқ таърифига эгадир. А.Реформатский таъкидлашича , термин “шунчаки сўз” эмас, балки у “ноодатий” ёки “янги сўз” бўлсин, уни “рационаллаштириш” ва ҳатто “ўйлаб топиш” мумкин бўлса ҳам, у энг аввло сўздир, дея таърифлайди [4]. Тадқиқотлари терминшунослик соҳасида мухим аҳамиятга эга бўлган етук олим С.Усмонов термин “...ҳам ишлаб чиқариш қуроллари соҳасида, ҳам маданият ва фан соҳасидаги ҳар қандай янгиликлар даставвал тил бирликлари, тўғрироғи, терминлар орқали ўз ифодасини топади. Шу маънода терминология (маълум тилдаги терминлар мажмуи) замона тарихининг гувоҳи, кўзгусидир” [5] дея таъриф берган. Бизнингча, термин ўзининг бир неча ҳусусиятлари ва компонентларининг ўзгарувчанлиги билан сўздан фарқ қиласи.

Илмий изланишларга назар соладиган бўлсак, бугунги кунгача тилшунос олимлар термин сўзининг ягона бир таърифига тўхталинмаганлиги сабабли берилган фикрларнинг ичида қарама қаршилари жуда кўп сонни ташкил этади. Айрим тилшунос олимлар термин контекстнинг ичида ўрганилиши

шарт деб билишса, баъзи олимлар уни, янги терминни контекстдан ажралган ҳолатда ўрганилиши керак деб ҳисоблашади.

Замонавий тилшунослик фанида термин тизимларини изланишда икки асосий ёндашув шаклланган. Биринчиси тил лексик - семантический тизимининг қисми сифатида, иккинчиси – алоҳида тушунчавий категориялар тизими сифатидаги талқини билан боғлик. Биринчи ёндашув доирасида терминлар лексик-семантический ва мазмуний майдонларда намоён бўлувчи ономасиологик идеографик аспектларда, иккинчи ёндашув фреймлар, слотлар доирасида ўрганилган. Терминларни тилнинг лексик - семантический тизими доирасида тизим яратувчи омиллар сифатида ўрганишда термин тизимлари ичидаги парадигматик ва синтагматик алоқалар ажратилган.

Термин ясаш муносабатлари а) термин-сўзлар учун сўз ясовчи; б) сўз бирикмали терминлар учун дериватологик восита сифатида тушунилади.

Шу муносабат билан А.А.Реформатский “терминологик кичик тизимнинг ўзига хослигини сўз ясаш орқали кўрсатиш осон”, дея ёзди . У термин тизимидағи сўз ясаш ва дериватологик муносабатлар асосида умумистеъмол тилининг маҳсулдорлиги ва частосталиги билан ажралиб турувчи сўз ясаш ва сўз бирикмалари моделларини ҳисобга олган ҳолда терминлар моделларини яратиш мумкинлигини таъкидлайди. Айни пайтда морфологик алоқалар терминлашган сўз бирикмаларидағи термин-сўз элементларнинг хусусий грамматик категориялар ва парадигмаларга эга сўзларнинг у ёки бу грамматик синфиға мансублигига ишора қиласи, улар орқали мазкур категориялар ва синфларни ажратиш мумкин, улар ўртасидаги лексик-семантический муносабатлар турли хилдаги семантический муносабатларни ифодалайди.

Иzlaniшлар давомида ўз таърифимизни беришга харакат қилиб кўрамиз, “Термема” ўзида экспрессивликни, буёқдорликни мутлақо йўқотган, муайян касбий профессионал фаолиятда қабул қилинган ва алоҳида соҳаларда шароитларда ишлатиладиган ва ривожланадиган маҳсус бирликдир. Термема

– нафақат профессионал билимларнинг муайян соҳаси тушунчалар тизимиға кирувчи бирлиқдир балки, у муайан бир соҳа ичида янги тушунчани ҳосил бўлишига хизмат қиласи ва пайдо бўлган янги сўз соҳа вакилларининг муроҷотин и осонлаштиради. Термин - бу маҳсус мақсадлар учун мўлжалланган тилнинг асосий тушунчавий элементидир. Ўз терминологик майдони ичида термин бир маънода қўлланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Абдурахманова А.З.Лингвистическое моделирование строительной терминологии//Дисс.фил.фан.номзоди.М., 2016. – 220с.
2. Авербух К.Я. 1986. Терминологическая вариантность: теоретический и прикладной аспекты, Вопросы языкоznания, № 6, с. 38-49.
3. Авербух К.Я. 1986. Терминологическая вариантность: теоретический и прикладной аспекты, Вопросы языкоznания, № 6, с. 38-49.
4. Алексеева Л.М.Проблемы термина и терминообразования. Учеб. пособие по спецкурсу / Пермь. ун.- т. Пермь, 1998. – 120
5. Алиева М.А. Семантико-грамматическое исследование дизайнерских терминов узбекских национальных тканей. Автореферат.2018. – С.32
6. Ганиева,Г. (2020). Ҳозирги замон тилшунослигига топонимларга турли ёндашувлар. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-5.
7. Головин, Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. М.1987.– С.5
8. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. Исследования по русской терминологии. М.1971.– С.11-12
9. Комиссаров В.П. Слово о переводе. - М.: Международные отношения, 1973.– С.84

10. Лейчик В.М. Профессиональная и непрофессиональная лексика в профессиональных и непрофессиональных LSP. Вестник Челябинского государственного университета.2011, № 24 (239), 29-32.
11. Лейчик В.М. Профессиональная и непрофессиональная лексика в профессиональных и непрофессиональных LSP. Вестник Челябинского государственного университета.2011, № 24 (239), 29-32.
12. Лингвистический энциклопедический словарь. Под ред. В.Н. Ярцевой. М.1990
13. Реформаторский А. А. Что такое терминология? - М. ,1961. – С.49-51
14. Рецкер Я. И. Теория перевода и переводческая практика - М.: Международные отношения, 1974.– С.74